

## Тахорат одоблари

### Бисмиллахири Роҳманири Роҳийми

Оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллох таолога ҳамду санолар бўлсин. Инсонлар эргашиб, итоат қилишлари учун юборилган Пайгамбар Мухаммад ибн Абдуллохга, у кишининг оила аъзолари, саҳобаи киромлар ва у кишига эргашганларга салавоту саломлар бўлсин.

Намознинг тўғри бўлиши учун тахорат шарт, бу ҳақда Аллох таоло шундай дейди:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ)

**«Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (яъни нам қўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз!»** (Моида: 6)

Тахорат намозга кириш ва Аллохга муножот қилишга тайёргарлик учун очик аъзоларни сув билан поклаш, бадан аъзоларини гуноҳ ва хатолардан поклаш аломати, қалбни Аллохдан машгул қиладиган ва Унинг нурларидан, файзидан, илми ладунидан ва илохий хикматларидан баҳра олишдан тўсиб қўядиган гафлат ҳамда харом ишлардан тозалашдир.

Уламолардан бири шундай деган эканлар: "Шуни билгинки, агар сен тахорат олсанг ундан сўнг албатта роббингни зиёрат қилсан, бас, шундай экан сен унга тавба қил. Чунки у, сув билан ювинишни гуноҳлардан покланишга муқаддима қилди. Огзингни чайкадингми, тилингни ёлгон, гийбат ва чакимчиликдан сакла. Аллох таоло тилингни зикр ва Куръон тиловати учун, халойикни тўғри йўлга чакиришинг ҳамда ичингдаги дунё ва дининг хожатларини баён қилишинг учун яратган. Агар сен уни ноўрин жойларда ишлатсанг, бу аъзодаги Аллохнинг неъматига нонқўр бўласан. Хар бир аъзойинг неъмат, гуноҳ ишларни қилишда неъматлардан фойдаланиш нонқўрликнинг чўккисидир. Бурнингни чайисанг, харом нарсани хидлашдан бурнингни пок тут. Юзингни ювсанг, назарингни уч нарсдан четлат: "Харомга қарашдан, мусулмон кишини назар-писанд қилмасликдан ва бирон кишининг айбига қарашдан". Кўз зулматларда йўл топишинг, хожатларнингда фойдаланишинг, еру-осмонлардаги ажойиботларга қарамогинг ва у иккиси билан кўраётганинг ходисалардан ибрат олмогинг учун яратилгандир. Қўлларингни сув билан покласанг, у иккиси билан бирон мусулмонга озор беришдан, ёки харом молни ушлашдан ва ё тил билан айтиб бўлмайдиган нарсани ёзишдан саклан. Қалам икки

тилнинг биридир, сен уни тилни саклаш керак бўлган нарсадан сакла. Бошингга масх тортсанг, билгинки, бу амал Аллохнинг буйругини бажариш, унинг Олийлиги олдида бош эгиш ва унга мухтожликни изхор қилишдир. Икки оёгингни покласанг, улар билан харомга юришдан саклан. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганларидек: "Хар бир банда бирон кадам босадиган бўлса, албатта у билан нимани ирода қилганлиги хақида сўралади". Абу Нуайм «Хиля»да ривоят қилган.

Мана шу расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабарини берган гўзал тахоратдир:

«من توضأ فأحسن الوضوء خرجت خطاياها من جسده حتى تخرج من أظفاره» رواه مسلم عن

عثمان.

"Кимки тахорат қилса, бас, уни чиройли қилса хатолари унинг баданидан чиқиб кетади. Хаттоки хатолари унинг (кўл-оёқларини ювганида) тирнокларидан чиқиб кетади". Муслим ривояти.

Мана булар тахорат одобларидан:

1. Тахоратни «Бисмиллаҳ» билан бошлаш. Абу Довуд Абу Хурайрадан келтирган ривоятда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар:

«لا وضوء لمن لم يذكر اسم الله تعالى» رواه أبو داود.

"Бисмиллаҳ демаган кишининг тахорати (тўла) тахорат эмас" Абу Довуд ривояти.

2. Тахорат асносида шошмаслик ва қалбнинг хозир бўлиши. Чунки тахоратдаги сокинлик ва хушуъ намоздаги хушуънинг мукаддимасидир.

3. Хар сафарги тахоратда мисвок ишлатиш, чунки у огизни поклайди ва парвардигорни рози қилади.

عن أبي هريرة رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «لولا أن أشق على أمتي لأمرتهم

بالسواك مع كل وضوء» رواه البخاري.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади, пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Умматимга огир қилиб қўймаганимда, уларни хар бир тахоратда мисвокка буюрган бўлардим" Бухорий ривояти.

4. Тахорат асносида сўзлашиш, кулги ва сув билан ўйнашдан четланиш.

5. Юз ва пешонага сувни шаппиллатиб уришдан четланиш.

6. Тахоратдан кейин кўлни силтамаслик.

7. Тахорат сувини фарз бўлган ўринлардан юкорирокка етказиш, тирсакдан юкорирокка ва болдирнинг ярмигача, билхусус совук кунларда. Чунки бу Киёмат кунида муъминнинг нури ва зийнатидир.

عن أبي هريرة رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «ألا أدلكم على ما يمحو الله به الخطايا، ويرفع به الدرجات، قالوا: بلى، يا رسول الله. قال: إسباغ الوضوء على المكاره، وكثرة الخطا إلى المساجد، وانتظار الصلاة بعد الصلاة فذلكم الرباط، فذلكم الرباط» رواه مسلم.

Абу Хурайрадан ривоят килинади, пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: "Аллох у туфайли хатоларни ўчирадиган ва даражаларни кўтарадиган нарсага сизларни йўллаб кўймайми,- дедилар. Улар: Ха (йўллаб кўйинг),- дедилар. "Совук кунларда тахорат сувини эриниладиган ўринларга етказиш (улар тирсак ва тўпикдан юкориси), масжидларга кўп юриб бориш ва бир намоздан кейин иккинчисини кутиш. Мана шу ишинглар "Рибот"дир, мана шу ишинглар "Рибот"дир" Муслим ривояти. Изох: "Рибот" деб Ислом диёрларининг душман томондаги чегараларида кўрикчилик килишга айтилади. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам юкоридаги ишларнинг муҳимлиги эътиборидан уларни "Рибот" деб атадилар.

وعنه قال: سمعت خليلي صلى الله عليه وسل يقول: «تبلغ الحلية من المؤمن حيث يبلغ الوضوء» رواه مسلم.

Абу Хурайра айтадилар: Халилим соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: "Зийнат-такинчок муъминнинг тахорат суви етган еригача етади" Муслим ривояти. Изох: бу ҳолат Киёмат куни бўлади.

8. Бармок ораларига, тўпик оркасига, умуман барча тахорат аъзоларига сувни яхшилаб етказиш.

عن أنس رضي الله عنه قال: رأى النبي ﷺ رجلاً وفي قدمه مثل الظفر لم يصبه الماء. فقال له: «ارجع فأحسن وضوءك» رواه أبو داود والنسائي.

Анас розияллоху анхудан ривоят килинади, пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам бир кишининг оёгида тирнокчалик сув тегмаган жойни кўриб колдилар ва унга: "Кайт, тахоратингни яхшилаб кил",- дедилар. Абу Довуд ва Насоий ривоятлари.

9. Тахоратни килиб бўлиб пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламдан ворид бўлган ушбу дуони ўқиш:

عن عمر رضي الله عنه أن رسول الله ﷺ قال: «ما منكم من أحد يتوضأ فيحسن الوضوء ثم يقول حين يفرغ من وضوئه: «أشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأشهد أن محمدا عبده ورسوله، اللهم اجعلني من التوابين واجعلني من المتطهرين» إلا فتحت له أبواب الجنة الثمانية يدخل من أيها شاء» رواه الترمذي.

Умар розияллоху анхудан ривоят килинади, расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: "Сизлардан бирингиз тахорат оладиган бўлса ва тахоратини чиройли килса, тахоратни килиб

бўлгач ушбу дуони ўкиса: «Гувохлик бераман албатта Аллохдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, унинг шериги йўқ ёлғиздир. Ва яна гувохлик бераман албатта Муҳаммад унинг бандаси ва элчиси. Эй парвардигор, мени тавба килувчилардан килгин ва мени покланувчилардан кил!», у учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади, у улардан хоҳлаганидан киради" Термизий ривояти.

10. Ҳар бир таҳоратдан кейин агар суннат намознинг вақти бўлмаса, икки ракаат нафл намоз ўқиш мустаҳаб.

عن عقبه بن عامر رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: «ما من أحد يتوضأ فيحسن الوضوء

ويصلي ركعتين يقبل بقلبه ووجهه عليهما إلا وجبت له الجنة» رواه مسلم وأبو داود.

Укба ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинади, росулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: "Бирор киши таҳорат олса ва у таҳоратни чиройли қилса кейин юзи ва қалби билан юзланиб икки ракаат намоз ўқиса, унга жаннат вожиб бўлади" Муслим ва Абу Довуд ривоятлари.

11. Сувни тежаб ишлатиш, хожатдан ортик сувни қуймаслик ва аъзоларни уч мартадан кўп ювмаслик.

Амр ибн Шуайб бобосидан ривоят қилган ҳадисда росулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига бир аъробий келиб, таҳорат ҳақида савол қилди. Ул зот аъзоларни уч мартадан ювиб кўрсатиб бердилар. Кейин: "Мана шу қомил таҳорат, қим бунга зиёда қилса ёмон иш қилибди — ёки қаддан оғибди ёки зулм қилибди—", - дедилар. Ибн Можа ва Абу Довуд ривоятлари.

12. Доимо таҳоратда бўлиш, чунки таҳорат муъминнинг рухий қуроли, у муъминнинг қалбидан ёмонликлар, гафлатни хайдади, гуноҳ ва ҳаром ишлардан саклайди. Шунингдек у намоз ва қуръон тиловати учун тайёр туради.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: "Агар доимо таҳоратли бўлишга қодир бўлсанг, шундай қилгин".

Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган